
"Навоий ёди ила яшаймиз мудом!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди

Бугун Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси ташаббуси билан назм мулканинг султони Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги кенг нишонлаш мақсадида туман ахборот-кутубхона маркази биносида "Навоий ёди ила яшаймиз мудом!" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда марказ раҳбари Одилхон Мажидов, туман ҳокими маслаҳатчиси Моҳирахон Қорабоева, ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар ва фаол китобхонлар иштирок этдилар.

Тадбир давомида ижодкор ўқувчилари ижросида Алишер Навоий қаламига мансуб бўлган ғазал ва рубоийлари ёд олиниб, асарларидан сахна кўринишлари намойиш этилди. Миллий рақслар ва маданият ходимлари томонидан шоир ғазалларидан кўшиқлар куйланди.

Шунингдек, тадбир давомида туман "Баркамол авлод" болалар маркази ўқувчилари ўртасида расм танлови ўтказилди.

2022-02-10 19:38:32